

## ИЖРО ҲОКИМИЯТИ РАҲБАРЛАРИНИ САЙЛАШ ТИЗИМИНИ ЎЗБЕКИСТОНДА ЖОРИЙ ҚИЛИШНИНГ АҲАМИЯТИ

Холбоев Шаҳобиддин Абдуадизович

Навоий вилоят Инновацион ривожланиш бошқармаси бошлиғи

<https://doi.org/10.5281/zenodo.6946899>

Бугунги кунда мамлакатимизда амалга оширилаётган маъмурий ислохотларнинг муҳим йўналишларидан бири сифатида ижро ҳокимияти органларининг самарадорлигини ошириш, уларнинг мазкур йўналишдаги ўрни ва масъулиятини кучайтиришга қаратилган. Маҳаллий давлат ҳокимияти Ўзбекистоннинг ҳар бир ҳудуди фаолиятини ташкил этувчи давлат бўғини ҳисобланиб, ушбу ҳокимият давлат органларининг муҳим ва давлат хизматчиларининг катта қисмини ўз ичига олган, кенг доирадаги ваколатларга эга органи ҳисобланади.

Ҳуқуқий давлат концепциясига асосан, маҳаллий давлат ҳокимияти ижро органларининг асосий вазифаси - қонуннинг жойлардаги ижросини таъминлаш бўлиб, унинг замирида фуқароларнинг ҳуқуқ ва манфаатларига тегишли бўлган фаолиятнинг амалга оширилиши ётади. Ўз навбатида, ҳар бир демократик давлатда маҳаллий ижро ҳокимияти органларини шакллантириш, ташкил этиш ва масъулиятини белгилаш масалаларига жиддий ёндашиш лозимлигини талаб этиб келмоқда.

Асосий қисм. Ҳокимият аслида бошқариш, кимнингдир хоҳиш-иродасини йўналтиришни ҳам англатади. Бироқ ҳокимият шундай ижтимоий ҳодисаки, кишилик жамиятини унингсиз тасаввур этиш мушкул. Яъни, жамият эҳтиёжлари ҳар доим бошқариш, бирлаштириш ва йўналтиришни талаб этади. Демак ҳокимият давлат бошқарувининг муҳим белгиларидан бири сифатида уни ташкил этган субъектнинг манфаатларини давлат манфаатлари билан уйғунлаштиради.

Ҳар бир маҳаллий ижро ҳокимияти ҳудуд ижтимоий-иқтисодий, сиёсий ва маънавий-маърифий эҳтиёжларидан келиб чиққан ҳолда бошқарувни ташкил этади ва унинг ижросини назорат қилади. Албатта бунда маълум маънода ўзига хос парадокс кўзга ташланади, яъни ижро ҳам назорат ҳам ўзидалиги. Шу боис, Ўзбекистон Республикаси Президенти ташаббуси билан мазкур ҳокимиятни иккига бўлиш йўлида дастлабки қадам сифатида маҳаллий Кенгашларнинг котибиятлари фаолиятлари йўлга қўйилганлигини юқорида айтиб ўтдик. Шу орқали маҳаллий Кенгашлардаги халқ вакилларининг фаоллиги ошиб, ижро ҳокимиятининг ҳисобдорлиги таъминланмоқда.

Хусусан, ислохотларнинг янгича тизими, Янги Ўзбекистонни яратиш борасидаги изчил ва дадил қадамлар халқимизнинг давлатдан рози бўлишида ва уларнинг турмуш фаровонлигини таъминлашда муҳим аҳамият касб этмоқда. Энг муҳими мазкур жараёнларда бевосита халқнинг иштирокини таъминлашни истаётганлиги эътиборга молик.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 7 декабр куни Конституциямиз қабул қилинганлигининг 24 йиллиги муносабати билан сўзлаган нутқида давлат бошқарув органларини тубдан ислох қилиш, айниқса, Ўзбекистонда ҳокимларни сайлаш масаласини муҳокама қилиш таклифини илгари сурди. Давлатимиз Раҳбарининг мазкур нутқида: “Келгусида биз маҳаллий ҳокимларни бевосита халқ томонидан сайлаш масаласи ҳақида ҳам ўйлаб, муҳокама қилиб кўришимиз керак”, дея илгари сурилган таклиф бу борадаги дастлабки қадамлар бўлди, албатта.

Шунингдек, “Ҳар бир ҳудуд ўз раҳбарини ўзи сайласа, раҳбарларнинг халқ ва жамият олдидаги масъулиятини кескин оширишга эришиш мумкин”, дея айтган сўзлари нечоғли ўринли эканлиги, аввало бу тизим халқ билан мулоқот қилишнинг янги босқичини бошлаб берувчи мустаҳкам йўналиш бўлишидан далолат беради.

Шу ўринда, авваламбор, “сайлов” тушунчасига таъриф берадиган бўлсак, шуни таъкидлаш жоизки, қонунларда “сайлов” тушунчасига депутатлар ва бошқа мансабдор шахсларни овоз бериш йўли билан сайлаш, дея таъриф берилади. Сайлов - овоз бериш орқали давлат органлари, маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органлари ва бошқа тузилмаларни ташкил этиш воситаси ҳисобланади. Фуқароларнинг ўз сайлов ҳуқуқини амалга ошириши - уларнинг давлатни бошқаришда иштирок этишининг энг муҳим шакллари билан биридир.

Сиёсий ва ҳуқуқий фанларга доир адабиётларда эса “сайлов” ибораси ҳар бир депутатлик ўрнига ёки муайян мансабга икки ва ундан кўп номзодлар даъвогарлик қилиш шарти билан вакиллик органларини шакллантириш тартибини англатади.

Шунингдек, сайловлар - бу ҳокимият ва сиёсий режимни легитимлаштириш (лот. *legittimus* “қонуний”) воситаси бўлиб, сиёсат мазмунини аниқлаш шакли, фуқаролар томонидан ҳокимият фаолияти устидан назорат қилиш усули, сиёсий арбобларни танлаб олиш механизми саналади.

Давлат ҳокимияти вакиллик органларига сайловлар фақат кўппартиявийлик асосида ўтказилади. Сайловларда республикада фаолият кўрсатаётган 5 та сиёсий партия томонидан номзодлар

кўрсатилади. Фақатгина тегишли туман ва шаҳар Кенгашларига сиёсий партиялар билан бир қаторда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ҳам депутатликка номзодлар кўрсатиши мумкинлиги сайлов қонунида белгилаб қўйилди. Бу каби ўзгартишларнинг киритилишидан мақсад сиёсий партиялар ҳамда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг жамият ва давлат бошқарувидаги ролини янада оширишдан иборат. Бундай ўзгариш орқали сиёсий партиялар ўртасида соғлом рақобатни ва фаолликни кучайтириш учун шароит яратилади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 29 декабрдаги Олий Мажлисига мурожаатномасида “Бу муҳим сиёсий компания янги Ўзбекистон шароитида сайловчиларимиз, барча фуқароларимизнинг сиёсий ва ҳуқуқий маданияти, дунёқараши, гражданлик позицияси юксалиб бораётганини яна бир бор намоён этади, деб ишонаман”, -деб таъкидлаб ўтади.

Бугунги кунда сайлов қонунчилигини изчил такомиллаштиришнинг янги босқичи белгилаб берилган бўлиб, Концепция доирасида сайлов қонунчилигига сайлов ҳуқуқи эркинлиги принципининг тўлиқ амалга оширилишига, сайлов тизимининг янада демократлашувига, сиёсий партияларга сайловолди ташвиқотини ўтказиш борасида тенг шароит яратиш самарадорлигини оширишга, сайловларнинг очиқлиги ва шаффофлиги принципларини мустаҳкамлашга қаратилган бир қатор ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди. Ўзбекистон Республикасининг “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида”ги қонунининг 32-моддасига киритилган қўшимчага кўра қамоқда сақлаш жойларида ҳам сайлов участкалари тузилиши ва овоз бериш ташкил этилиши белгилаб қўйилди. Бунда Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 26-моддасида белгиланганидек, “жиноят содир этганликда айбланаётган ҳар бир шахснинг иши судда қонуний тартибда, ошкора кўриб чиқилиб, унинг айби аниқланмагунча суднинг қонуний ҳукми эълон қилинмагунча у айбдор ҳисобланмайди” – деган конституциявий нормага тўлиқ мос келади.

Агар ҳоким бу вазифаларни бажармас, ўз сайловчиларидан узоқлашар экан, уни халқ лавозимидан озод этиш таклифини илгари суриши мумкин бўлади. Бу каби амалиётлар бизга жаҳон тажрибасидан ҳам яхши маълум. Бу ислохотларнинг янада самарали амалга оширилишида, халқ ва ҳокимият ҳамфикр, ҳамнафас бўлишида муҳим аҳамият касб этади.

Хулоса. Маҳаллий ижро ҳокимияти раҳбарларини сайлаш ва жойларда ижро бошқарувини демократлаштириш бўйича қуйидаги хулосаларни қилиш мумкин:

- Ўзбекистон Республикаси Конституциясига киритилган ва киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчалар асосида маҳаллий ижро ҳокимияти ваколатларини кенгайтириш;

- маҳаллий ижро ҳокимиятининг конституциявий бўлиниш принципи янада демократлаштириш;

- маҳаллий ижро бошқарув соҳасидаги марказлаштиришни янада чеклаш;

- маҳаллий ижро ҳокимияти раҳбарлигига кадрлар тайёрлаш тизимини қайта кўриб чиқиш;

- мамлакатимизда мактабларнинг юқори синфларида, ўрта таълим ҳамда олий таълим тизимида маҳаллий ижро бошқаруви тўғрисида дарс соатларини ажратиш;

- Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви Академиясида “Ҳокимларни тайёрлаш” факультетини очиш мақсадга мувофиқдир.

#### **Foydalanilgan adabiyotlar:**

1. Г.Р. Маликова “Маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг айрим вазифа ва ваколатларини фуқарорларни ўзини ўзи бошқариш органларига ўтказиш (ҳуқуқий ва ташкилий масалалар)”, - Т.: 2003 й.
2. Б.Жўраев “Маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг қонунийлик, ҳуқуқ-тартибот ва фуқарорларнинг ҳавфсизлигини таъминлаш фаолияти: ҳуқуқий ташкилий масалалар”, - Т.: 1999 й.
3. И.Жўраев “Деятельность местных органов государственной власти Республики Узбекистан по правовому воспитанию населения”, - Т.: 1993й.